

Тақводорлар мангу жаннатда!



07:10 / 12.10.2019 1537

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳаммод айтади: «Муҳаммад ибн Ҳумайд дунё ҳаётида Аллоҳ учун амал қиладиганлардан бири эди. Ўлимидан кейин уни тушимда кўрдим. Эгнида иккита яшил кийим бор эди. «Аллоҳ сизга раҳм қилсин, ўлимдан кейин борар жойингиз қаер бўлди?» деб сўрадим. У менга қараб, шундай деди:

«Тақводорлар абадийликда бўлиши қандай гўзал, ҳақиқатда улар ёш ва бокира ҳурлар ёнида».

Абу Жаъфар: «Аллоҳга қасамки, бундай сўзларни ундан олдин ҳеч кимдан эшитмаганман», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан